

## АҲОЛИНИ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА ҚОИДАЛАРИГА ЎРГАТИШ ҲАМДА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

**Бобоёров Марат Очилович**

*Ўзбекистон Республикаси Ичкаи ишлар Вазирлиги 2-сон*

*Тошкент Академик лицейи*

**Очилов Маъруф Марат угли**

*Тошкент давлат Шарқшунослик университети талабаси*

Ўзбекистон Республикасининг Президентнинг нутқларида мулкни омонат ҳолда сақланишига, хусусий мулк ва фукароларнинг шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жиноятчиликка қарши кураш бобида энг долзарби хонадонларда амалга ошириладиган ўғирликларга қарши кураш бўлиб, у алоҳида аҳамият касб этади. Ички ишлар идораларининг жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаларининг асосий вазифалари ичida энг муҳими маҳаллий аҳоли ўртасида амалга ошириш ниятида бўлган шахсларни аниқлаш ва шу ўғирликини жиноятни содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсларнинг режаларини фош этишдир. Хонадонлардаги ўғирлиknинг олдини олиш ва уни очишни ташкил этиш борасида шуни ҳам инобатга олиш зарурки, жазо жойларидан кайтиб келган шахслар томонидан хусусий мулкни хонадондан олиб чикиш биринчи қамоқдан чиққандан сўнг олти ой ичida содир этилган шахслар шу жараённинг бир йили ичida мазкур жиноятга кўл урган эдилар. жазодан шартли равишда озод бўлиб, айнан озодликка чиккан даврда бу жиноятни содир этганлар. Мазкур жиноятларга қарши профилактик ишларни жазо жойларидан озод этилган шахслар билан улар озодликка чиққанларининг биринчи кунлариданоқ бошлаш ва тегишли назоратни амалга ошириш керак.

Бундай шароитларда хонадонларда содир этиладиган ўғирликлар- нинг олдини олиш бўйича бир катор комплекс чора-тадбирларни ишлаб чикиш талаб қилинади. Чунончи, худудий участкаларда профилактика нозирларининг фаолиятини фаоллаштириш мақсадга мувофик бўлади. Чунки айнан уларнинг зоналарида хонадонларда ўғирликлар амалга ошиши мумкин ва шунга асосан тезкор-қидирув гуруҳларининг маршрутларини ҳам қайта ишлаб чиқиш керак бўлади.

Хозирги кунда виктимологик профилактика тизими니 ишлаб чиқишининг аллақачон вакти етиб келди. Виктимология бўйича нашр этилган манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан, аҳолини жиноятлардан сакланиш коидаларига ўргатиш зарурияти долзарблигича колмоқда. Жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг руҳий таҳлилига келсак, афсуски, одатда уларда хавфсираш туйғуси етишмайди. Ўзга шахслар билан мuloқотда бўлганларида эҳтиётсизлик билан ҳаракат қиласидилар, хавф туғдирувчи манбалар билан ишлаганларида ҳам

Эҳтиёткорлик қоидаларига эътибор бермасдан ҳаракат қиладилар ёш Америкалик виктимологларда шундай фикр мавжудки, улар болани воқеликда эҳтимолдан холи булмаган хавфнинг мавжудлиги билан боғлик туйғуда тарбиялаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистонда ҳам жиноятчиликнинг ўсиб бориш ша роитларида мазкур фикр долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Жиноятчи-лик хроникаси шуни кўрсатадики, жабрланувчининг содалиги ва лакмалигидан фойдаланган жиноятчи унинг ҳаёти ёки саломатлигига путур етказиши ёки мулкий заарга дучор килиши мумкин. Уларнинг тикланиш масаласи эса муаммоли бўлиб қолиши мумкин. Шу билан бирга шахснинг хавфсизлигини таъминлаш ва эҳтиёткорона ҳаракат қилиш кўникумасига эга бўлиши қўпгина ҳолларда унинг ҳаёти ва мулкининг сақлаб қолинишига асос бўлишини инкор этмаймиз. Юкори виктимлик даражасига эга бўлган қатлам бу болалар. Биз уларнинг руҳий хавфсизлик қоидалари ва усуслари, жиноий тажовуз вактида ҳимояланиш услубларига ўргата олмаямиз. Биринчидан, бу масала жамиятимизда фақат оиласа оид тарбиялаш муаммоси сифатида тан олинади. Иккинчидан, биз малакали виктимологик таълим бериш методикасига эга эмасмиз, аммо ҳаётнинг маълум даврларида бу тарбия инсон учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шахсни ёш болалигиданоқ виктимологик тарбиялаш, унинг ўзига нисбатан хурмат, ўз ҳаёти, саломатлиги, кадр-қиммати ва Конституциямизда кафолатланган бошка кадриятларни ҳимоялашга ўргатади. Инсоннинг мазкур кадриятларини ҳимоясиз қолдириш давлат кафолат ларининг талаб даражасида татбиқ этилишига салбий таъсир кўрсатади, чунки агарда шахснинг ўзида жиноятчига нисбатан каршилик кўрсатиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳамда мулкини сақлаб қолиш кўникумаси, тегишли билимлари бўлмаса, қонун қанчалик такомиллашган бўлсада, юкори малакали полиция ҳам жиноятчидан уни муҳофаза этиш имконига эга эмас. Куйидагилар бундай билимларнинг асослари бўлиши мумкин: болалар хавф тўғрисида равшан ва аник тушунчага эга бўлишлари ҳамда фавқулодда вазиятни тўғри қабул этишлари, уларда кочиб қолиш, юзага келган вазиятдан ўзлари учун энг минимал даражали зарар билан хавфдан қочиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Фикримизча, ҳозирги пайтда мазкур муаммони муҳокама қилиш билан чекланиб қолмасдан, уни давлат миқёсида кўйиб, аҳолини виктимологик жиҳатдан тарбиялашни йўлга қўйиш керак. Биринчи галда, болалар боғчаларига ва мактабларнинг ўқитиши жараёнига болалар ҳамда ўсмирлар учун маҳсус виктимологик тарбиялаш дастурини ишлаб чикиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофикдир. 4-5 ёшли болалар ўртасида улар учун тез тушунадиган оддий ўйинни ташкил этиш керак. Бу ўйин асосида болалар бегона шахслар билан мулоқот қилганларида эҳтиёткорлик ва хавфсизлик қоидаларини Ўрганишлари зарур. Шунингдек хавфли нарсалар қўлга текканида улардан хавфсиз фойдаланиш қобилиятига эга бўлишлари ва фавқулодда вазиятларда

уларни эътиборни кучайтириш кўникмасига ўргатиш лозим бўлади. Табиийки, бундай машгулотлар ўйни шаклида кизикарли ўтиши мақсадга мувофик бўлади. Мактабларда эса виктимологик билимларга ўргатиш таълим жараёнига астасекин киритилиши лозим, масалан, давлат ва хорижий тилни, анатомия, давлат ва хукук асослари фанларини ўқитиша буни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, виктимологик билимлар асослари буйича маҳсус предметни ўқув режасига киритиш ҳам мумкин. Бўлажак уқитувчи виктимология соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлиши максадида бундай мутахассисларни тайёрлаш дастурига маълум тегишли ўзгартиришлар киритиш, уларни зарур адабиёт ва методик қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Келажакда уқитувчиларни тайёрлашда ўқув муассасаларининг таълим дастурларига виктимологик билим асослари бўйича бўлажак тарбияловчи ёки ўқитувчиларга таълим берувчи мустақил фан киритилиши лозим бўлади.

Вояга етган аҳоли ўртасида виктимологик профилактикани Ўтказиш масаласига эътиборни каратиш ҳам муҳим масаладир. Айни пайтда телевидение орқали қонли тўқнашувлар, отишмалар, зўравонликларни кўрсатиш одат тусига кирган. Аммо бирон-бир телекўрсатувда жиноят содир этилиши пайтида ундан кандай килиб сакланиб колиш ҳолати, жабрланувчилар томонидан уларнинг мулкига бўлган жиноий тажовузлар содир этилганида жабрдийдаларнинг хато хатти-харакатлари муҳокама килинмайди. Шу билан бирга жиноятдан жабр кўриш хавфига эга бўлган шахслар учун қандай хавфсиз ҳаракатларни амалга ошириш масаласи ҳеч қачон муҳокама этилмаган.

Хар қандай жиноятни ёки бир катор содир этилган жиноятларни таҳлил этсак ёки жиноятчилик хроникасини ўргансак, бу маълумотлар виктимологик жиҳатларни ёритиш ўрнига кўпроқ криминологик холатларни ёритганининг гувоҳи бўламиз. Шунга асосан фукаролар жиноятнинг хавфлилиги билан бирга, бундай жиноятга карши қандай Харакатларни амалга ошириш, ўзининг шахсий хавфсизлигини саклаб колишга оид маълумотларга ҳам эга бўлишлари керак. Бундай тажриба бевосита аҳоли ўртасида виктимологик хавфсизлик чораларининг кенг кўламда қўлланилишини таъминлайди.